

6-1-2019

PRINCIPAL DIRECTIONSON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP

Sh. Rasulova

Jizzakh Pedagogical Institute, r.sharifa_1968@mail.ru

Z. Jabborova

Jizzakh Pedagogical Institute, jabborova_1976@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Rasulova, Sh. and Jabborova, Z. (2019) "PRINCIPAL DIRECTIONSON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PRINCIPAL DIRECTIONS ON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP

The article analyzes the development priorities of entrepreneurship in the republic and analyzes the factors contributing to the development of the industry. It also presents proposals and recommendations on priority areas for the development of small business and private entrepreneurship.

Keywords: entrepreneurship, business support, private entrepreneurship, enterprises and microfirms, financial resources, financial institutions, invoices under export contracts.

Growth of the economy is largely determined by the increase in the share of small business and private entrepreneurship in the country's GDP, and the increase in the share of small business and private entrepreneurship will depend on the favorable business environment created in the country. As we all know, as a result of the efforts to develop this sector, the share of small business and private entrepreneurship in the country's GDP is rising every year.

It is well known that in modern conditions a number of works are being carried out to develop small business and private entrepreneurship, to increase their number and create favorable media environment for them. Opportunity to develop economic growth, the ability to create new jobs at low cost, and the ability to acquire large-scale market segments, especially in the service sector and in the development of small local resource bases, play an important role in the development of small businesses. Therefore, the accelerated development of small business is closely linked with localization of production, development of service sector and export potential of the country.

But there are a number of factors that prevent them from developing:

- sensitivity of excess taxes;
- The competitiveness of domestic producers for imported goods and services;
- absence of initial capital;
- difficulties in the field of material-technical work;
- high lease payments where required to operate as an enterprise;
- lack of access to credit resources.

The Strategy for the Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2020 focuses on the implementation of a set of measures aimed at further improving the business environment for sustainable development of small business and private entrepreneurship¹.

In the period between 2000 and 2018, there was a tendency towards growth in the total employment of those employed in the economy. Accordingly, there was an increase in the number of jobs in small businesses and micro firms, i.e. by 0.6 million in 2000. by 2018, reached 2.1 million². Comparing the number of employed in small businesses and private entrepreneurship, small businesses and micro firms, we can

¹The strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 02.02.2017. No. 4947.

²Message from the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev to OliyMajlis. Folk word, 12/28/2018.

observe the relationship between them, i.e. the number of employed persons in small business and private entrepreneurship, small businesses and microfirms. If you rely on official statistics from other foreign countries, in England and Australia about 50 percent of the working population is engaged in small businesses. Also, the share of small business and private entrepreneurship in sectors of the economy has grown for many years, which has been mainly observed in agriculture. In 2005, the share of the construction industry in the economy was 49.4 percent, and by 2018 this figure was 66.6 percent. The share of small business and private entrepreneurship in the service sector has declined. The share of 52.5% in 2005 increased by 55.2% in 2018. It should be noted that in the United States, small businesses provide a large portion of the GDP, more than half of new jobs, and, most importantly, \$ 350-400 billion annually. exports \$ 1 million. More than 70% of the working population in the world is in another center of global industry - in Germany³. State support of small business and private entrepreneurship in the conditions of modernization of the economy is the creation of material and technical basis of the structures, the promotion of foreign economic activity, social and psychological support, the insurance system, the necessary information, and the rise of foreign economic activity. It is noteworthy that small and / or foreign businesses are actively supported by microfinance institutions in foreign countries. At present, about 16 million person is supported. Of course, along with the positive results achieved in the work of subjects of small business and private entrepreneurship of the country, the high level of marketing of the means of production in the privatized enterprises with the spiritual and physical depreciation, the attraction of attracted investments mainly in trade, catering, There is also a lack of effective marketing research in business entities dealing with production activities. At the same time, there is a growing number of issues related to the improvement of the financing of business entities' activity under the current policy of deepening structural reforms in the economy of the Republic of Uzbekistan. One of such problems is the rising cost of imports of small businesses due to the high rate of devaluation of the national currency. In order to increase the efficiency of crediting of small businesses by commercial banks: First of all, it is necessary to introduce a calendar sequence of payments for these subjects in order to reduce the level of credit risk arising from overdraft and current account crediting of small businesses; Secondly, the procedure of lending by small businesses to overdraft and current account forms by commercial banks, ways to reduce the credit risk, and the mechanism of interest payment to the current account balance and loan balance should be reflected in the special instructions. Thirdly, to increase the volume of factoring loans to small businesses, banks should be allowed to purchase goods sold by small businesses without the right of regress and without regress and that the overdue debts and overdue debts of small business entities should not be invoiced. Taking into account the above, it is desirable to develop an effective mechanism for the temporary use of empty buildings,

³Lisovska R. The Potential of Business Environment Institutions and the Support for the Development of Small and Medium-sized Enterprises // Entrepreneurial Business and Economics Review. 2016.

structures, warehouses and commercial premises for supplying entrepreneurs with building and other means of production.

(Full article is available in Uzbek)

Расулова Шарифа Гайбуллаевна
ЖПИ, “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси
r.sharifa_1968@mail.ru
Жабборова Зайнаб Мансуровна
ЖПИ, “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси
jabborova_1976@mail.ru

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада республикада тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлари бўйича амалий таҳлилларолиб борилган ҳамда соҳани ривожлантиришига тўсиқ бўлувчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалда ривожлантириш устувор йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик, корхона ва микрофирмалар, молиявий ресурслар, молиявий муассасалар, инвойс асосида экспорт шартномаси.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЕ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

В статье анализируются приоритеты развития предпринимательства в республике и анализируются факторы, способствующие развитию отрасли. Также представлены предложения и рекомендации по приоритетным направлениям развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: предпринимательство, поддержка бизнеса, частное предпринимательство, предприятия и микрофирмы, финансовые ресурсы, финансовые институты, инвойсы по экспортным договорам.

КИРИШ

Бугунги кунда аҳоли турмуш тарзини кўтариш учун билимлар иқтисодиётини ривожлантириш, илм-фан ва техника ютуқлари ҳисобига кам харажат қилиш усулларида унумли фойдаланиш ривожланган мамлакатларнинг асосий стратегияларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Сир эмаски, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектлари улушининг кўпайиб бориши билан белгила-надиган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг кундан-кунга кўпайиб бориши эса мамлакатда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитига боғлиқ бўлади. Барчамизга маълумки, мазкур соҳани ривожлан-тириш бўйича қилинаётган саъй ҳаракатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат” [1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни яратиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Республикада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиш юзасидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилиб бориши натижасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда «Биз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновациялар ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлатдастуридоирасида 21 триллион ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди» [2].

Албатта мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, бугун унга тўсиқ бўлаётган ва унинг ривожланишига халақит бераётган муаммоларни яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ҳамда қилинган таҳлиллар асосида аниқ, стратегик қарорлар қабул қилиш заруриятини туғдирмоқда.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни замонавий иқтисодиётдаги ўрни, аҳамияти тўғрисидаги масалалар кўпгина иқтисодчи олимлар ўртасида турли баҳс ва мунозараларга айланиб уларнинг тадқиқот предметларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар, мақолалар ва монографиялар чоп эттирилган.

Давлат томонидан қулай тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш йўналишлари ва аҳамиятининг айрим назарий жиҳатлари хориж иқтисодчи олимларидан кўпчилиги, хусусан Р.Кантилон, Ж.Б.Сей, А.Смит, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Ф.Хайек, К.Р.Макконелл, С.Л.Брю, Муҳаммад Юнус, Алан Жоли ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган[3].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Ш.Шодмонов, Т.Жўраев, Д.Тожибоева, Қ.Н.Муродова ва бошқаларнинг илмий ишларида иқтисодий ўсишга эришишдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг айрим масалалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиниб, уни ривожлантиришнинг стратегик концепциялари маҳаллий дастурлар асосида ишлаб чиқиш, ижтимоий – иқтисодий муаммоларини ҳал этиш йўллари умумий ҳолда ўрганилган[4]. Ушбу муаммонинг долзарблиги иқтисодий адабиётларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти ҳамда уни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими юзасидан чуқур ўрганилмаганлиги танланган мавзуимизнинг долзарблига асос бўлади.


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, замонавий шарт-шароитларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар сонини янада ошириш ҳамда уларга қулай муҳит шароитини яратиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва, шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Лекин уларни ривожланишига тўсқинлик қилувчи қатор омиллар мавжуд, булар:

- ҳаддан ташқари солиқларнинг таъсирчанлиги;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг импорт товар ва хизматларига рақобатнинг мавжудлиги;
- бошланғич капиталнинг мавжуд эмаслиги;
- моддий техник соҳасидаги қийинчиликлар;
- корхона сифатида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган жойлардаги юқори ижара тўловлари;
- кредит маблағларини олиш имконияти йўқлиги[5];


2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бандлик даражаси[6].


2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2018 йиллар орали-ғида иқтисодиётда банд бўлганлар умумий нисбатида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган. Шунга мос равишда кичик корхона ва микрофирмаларда бандлар сониди ҳам ўсиш кузатилган, яъни 2000 йилда 0,6 млн. Кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 2,1млн. кишига етган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони билан кичик корхоналар ва микрофирмаларда бандлар сонини таққослайдиган бўлсак, булар ўртасидаги боғлиқликни кўришимиз мумкин, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони, кичик корхона ва микрофирмаларда бандлар сони мутаносиб равишда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Агар бошқа хорижий мамлакатлар расмий статистик маълумотларига таянадиган бўлсак, Англия ва Австралияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийиб 50 фоизи кичик бизнес соҳасида банд[7].

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши йиллар сари ўсиш тамойилига эга бўлиб, бу ўсиш асосан қишлоқ хўжалигида кузатилган. 2005 йил иқтисодиёт тармоқларида қурилиш соҳаси 49,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб эса бу улуш 66,6 фоизни ташкил этган. Иқтисодиёт тармоқларида хизмат кўрсатиш соҳасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши камайиш тенденцияси кузатилган. 2005 йилда 52,5 фоизни ташкил этган улуш салмоғи 2018 йилда 55,2 фоизга ўсган.



2-расм. 2005-2018 йилларда иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши[8].

2005 – 2018 йиллар оралиғида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат маҳсулот экспортидаги улушидаги бундай ўсиш тенденцияси, жами товар ва ташқи савдо айланишларидаги улушларида ҳам кузатилди (3-расм). Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун ғов бўлаётган, шунингдек, божхона органлари томонидан замонавий талабларга жавоб бермайдиган ва ортикча лицензия ҳамда рухсат бериш кабиларни бекор қилишга қаратилган божхона тартиботларини соддалаштириш бўйича чоралар 2018 йилда давом эттирилди.



3-расм. 2005-2018 йилларда кичик бизнес субъектларининг экспорт ва импорт умумий улушидаги хиссаси (%) [9]


Тадбиркорлик субъектлари учун инвойс асосида экспорт шартно-масини тузмаган ҳолда товар, иш ва хизматлар экспортини амалга ошириш ваколати берилди. 2017 йил 1 декабрдан экспорт божхона режимида товарларни расмийлаштирилган кундан эътиборан 120 календарь кун (аввал 60 кун белгиланган) ўтганидан сўнг, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарздорлик сифатида баҳоланиши белгиланди. Товарлар эса фақат бир марта божхона кўригидан ўтади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимизим порт товарларидаги умумий улушида ҳиссаси 2000 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу ўсиш 2018 йилга келиб 55,8 фоизни ташкил этиб, қарийиб 2,1фоизга ўсган. Мамлакатимиз умумий экспорт салоҳиятида кичик бизнес ва хусусий замонавий глобал иқтисодиёт тадбиркорлар ва, айниқса, кичик бизнес учун чексиз имкониятлар тақдим этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини беради, янги иш ўринларининг ярмидан кўпини яратади, асосийси, йилига 350–400 млрд. Долларлик маҳсулотини экспортқилади. Жаҳон саноатининг бошқа бирмаркази – Германияда бу соҳада меҳнатга яроқли аҳолининг 70% дан ортиғи банд. Шу билан бирга у ерда турли фаолиятнинг 90 дан ортиқ хилини қамраб олган хунармандчилик кичик корхоналарининг катта миқдори (500-600 минг) иш олиб боради. Уларнинг қарийиб чорак қисми – мамлакат ташқи савдоси барча ҳажмининг 17%ини таъминловчи экспортчилардир[10].

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳам кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бу–тузилмалар-нинг моддий – техника асосини барпо этиш, уларга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш, ижтимоий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, суғурта тизими, зарурий ахборотлар билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш каби омиллар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Эътиборга олиш керакки, хориж мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни асосан микро молиявий муассасалар фаол қўллаб-қувватлайдилар. Бугунги кунда мазкур муассасаларда қарийиб 16 млн. киши фаолият кўрсатади.

Мазкур расм муълумотларидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолатларда аниқлангандан кейин уларни тадбиркор сифатида рўйхатга олиниши таҳлил этилганда 2017 йилда 35,3 фоизи, 2018 йилда 42,3 фиоизи ва 2019 йилда 40,9 фоизи якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлигини кўришимиз мумкин.




4-расм. Республика бўйича давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганлиги аниқланган жисмоний шахслар тўғрисидаги таҳлилий маълумот[11](млн.сўм)

Ушбу жадвалда рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолатларда аниқлангандан кейин уларга нисбатан қўлланилган молиявий жаримани ундирилишни таҳлил қилсак, 2017 йилда 14,1 фоизи, 2018 йилда 21,7 фоизи ва 2019 йил 1 январ ҳолатида 37,2 фоизи ундирилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, жадвал маълумотларидан яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти учун солиқ юки юқори бўлганлиги сабабли, тадбиркорлар қонуний фаолият юритишдан чекиниб, рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритишни афзал кўрмоқдалар деб хулоса қилишимиз мумкин.

2014-2018 йиллар давомида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган ва фаолиятини тўхтатган яқка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлилий расмга қарасак.

Ушбу расм маълумотларидан республикаимиз бўйича 2014-2018 йилларда фаолият кўрсатган яқка тартибдаги тадбиркорлар 75,2 фоиздан 64,2 фоизга тушиб қолганлигини ва аксинча фаолиятини тўхтатганлар сони 2014 йилдаги 24,8 фоиздан, 2018 йилда 35,8 фоизга ўсиб борганлигини кузатамиз.



5-расм. Республика бўйича 2014-2018 йиллар давомида фаолият кўрсатаётган ва фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисида таҳлилий маълумот[12]

Ривожланган индустриал мамлакатлар тажрибасига кўра айнан иқтисодиётдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти давлат томонидан олиб борилаётган қўллаб-қувватлаш сиёсатига бевосита боғлиқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат томонидан соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ўз аксини топади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар;
- хусусий капитал самарадорлигини ошириш мақсадида бюджет маблағлари асосида солиқ имтиёзларини бериш орқали имкониятлар бериш;
- бўш турган майдонларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш эркинлигини таъминлаш;
- ички ва ташқи бозорлар учун керак бўладиган, талаб бор бўлган зарурий маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаш. Мазкур ахборотлар бевосита янги йўналишда тадбиркорликни олиб боришни режалаштирганлар учун қандай маҳсулот ва хизматлар бозорга зарур деган саволга жавоб топиш имконини беради[13]

Албатта юқорида келтирилган ,яъни мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида эришилган ижобий натижа-лар билан бир қаторда, хусусийлаштирилган корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларининг маънавий ва жисмоний эскирганлиги, жалб қилинаётган инвестициялар асосан савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳала-рига йўналтириш даражасининг юқорилиги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида маркетинг тадқиқотларининг самарали йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар ҳам мавжуд.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Айни дамда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги таркибий

Ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсати давом эттирилаётган ҳозирги шароитда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай муаммолардан бири – бу миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги сабабли, кичик бизнес субъектларининг импортни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ошиб бораётганлигидир. Кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш самарадорлигини ошириш мақсадида:

биринчидан, кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклида кредитлашда юзага келадиган кредит rischi даражасини пасайтириш мақсадида мазкур субъектлар учун тўловларнинг календарь кетма-кетлигини жорий қилиш лозим;

иккинчидан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклларида кредитлаш тартиби, юзага келадиган кредит riskини пасайтириш йўллари, жорий ҳисобрақамнинг дебетли ва кредитли қолдиғига фоиз тўлаш механизми махсус йўриқномада ўз аксини топиши зарур.

учинчидан, кичик бизнес субъектларига бериладиган факторинг кредитлари ҳажмини ошириш учун банкларга кичик бизнес субъектлари томонидан реализация қилинган товарлар ҳужжатларини ҳам регресс ҳуқуқи билан, ҳам регресс ҳуқуқисиз сотиб олиш имконини бериш ва бунда муддати ўтган дебитор қарздорлик ва зарар кўриб ишлаётган кичик бизнес субъектларининг дебитор қарздорлиги инкассация қилинмаслиги лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорларни ишлаб чиқариш бино ва бошқа воситалар билан таъминлашда бўш турган бинолар, иншо-отлар, омбор ва савдо жойларини вақтинча фойдаланишга топширишнинг самарали механизмнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишини барча бос-қичларида (лойиҳавий ғоядан бошлаб, унинг ишлаб чиқилиши, банкларда экспертизадан ўтказилиши, олинган кредитларнинг сарфланиши ва уларнинг қайтарилиши) ёрдам бериши, кузатиб бориши ва ҳимоя қилиши ҳамда ҳудудлар даражасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида уларга амалий ёрдам кўрсатиши мақсадида ҳудудларда ахборот-таҳлилий базани ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз.–Т.: —Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-2018>
3. Теория экономического развития. М.: Прогресс. 1985, 159 с. Кейнс Ж.

Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241; Хайек Фон А. Дорога к рассвету – Москва: Экономика, 1992. – 91с.; Мамут М.В. Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы// Банковское дело. – Москва, 2009. - № 4.– С. 96 - 99.; Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.; Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.; Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risque PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.; МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том 1. Пер. с англ.- Вашингтон Д.С.: ИЭР, 1994. – С. 123-124.

4. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 8б.; Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. –Т.: Меҳнат, 2000.8-9,17-18б.; 2008. – 8с.; Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Шарқ, 2006. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Молия, 2002. 183-186б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. –177 б; Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. –Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 151 б.

5. Мараховская Г.С., Германова В.С. Особенности развития малого предпринимательства в Ставропольском крае. - Вестник Северо-Кавказского федерального университета. - 2016. - №6 (57). - С. 106-110.; Царев В. Е., Проблемы и перспективы развития современного малого бизнеса в России /В.Е. Царёв, Д.А. Вершина // Молодой ученый. - 2016. - №24. - С. 250-252.

6. Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014 гг.) / под общей редакцией д.э.н. А.М.Садикова / Ташкент: ИФМР, 2015.-97 с.; Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Т.: CenterforEconomicResearch, 2018 год.

7. Малый бизнес в развитых странах – Англии и Австралии [Электронный ресурс] / Информационный портал «Все о малом бизнесе, все для малого бизнеса». – Режим доступа: <https://malbusiness.com/malyiy-biznes-v-razvityihstranahanglii-i-avstralii/>].

8. Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014 гг.) / под общей редакцией д.э.н. А.М.Садикова / Ташкент: ИФМР, 2015.-97 с.; Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Т.: CenterforEconomicResearch, 2018 год.

9. Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014 гг.) / под общей редакцией д.э.н. А.М.Садикова / Ташкент: ИФМР, 2015.-97 с.; Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Т.: CenterforEconomicResearch, 2018 год.

10. Lisovska R. The Potential of Business Environment Institutions and the Support for the Development of Small and Medium-sized Enterprises // Entrepreneurial Business and Economics Review. 2016.

11. Ўзбекистон Республикаси савдо саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

12. Ўзбекистон Республикаси савдо саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

13. Dari T, Oyuna B. The Chinese Model of Modernization – Nature, Historical Stages, Sociocultural Characteristics. *Procedia - Soc Behav Sci.* 2015;166:670-674. doi:10.1016/j.sbspro.2014.12.594